

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2023 йил август ойининг 8 куни, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди,  
очиқ суд мажлисида, видеоконференция алоқаси орқали

Раислик қилувчи судья: Б.Эсанбаев,

Ҳалқ маслахатчилари: Н.Эгамбердиева ва С.Ахмедовлардан иборат таркибда,  
судья ёрдамчиси С.Курбонбекованинг котиблигида, тарафлардан давлат  
айбловчиси, Ангрен шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Қаҳҳаров, судланувчи  
Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx ва унинг ҳимоячиси А.Каримовнинг иштирокида,  
Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxга оид №1-1104-2302/247- сонли жиноят ишини кўриб  
чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx (xxxxxxxxxxxxxxxxxxxx) - 1968 йил 6 майда  
Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳар Янгиобод қўрғонида  
туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,  
маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзандлари бор,  
муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг  
18.06.2012 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси  
ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг  
57-моддаси қўлланиб 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари  
жазоси тайинланган, ўталмай қолган жазодан  
05.12.2012 йилдаги “Амнистия акти”га асосан озод бўлган;

2) жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг  
25.06.2018 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси  
ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми ва 276-моддаси 2-қисми  
“а” банди билан ЖКнинг 57,59-моддаларига асосан 3 йил 1 ой  
муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган,  
жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг  
26.06.2019 йилдаги ажримига кўра ЖКнинг 74-моддаси асосан  
ўталмай қолган 1 йил 11 ой 28 кун озодликдан маҳрум қилиш  
жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига  
алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар  
судининг 22.07.2020 йилдаги ажримига кўра ЖКнинг  
73-моддасига асосан ўталмай қолган 11 ой 21 кун ахлоқ  
тузатиш ишлари жазосидан мудатидан илгари шартли равишда  
озод қилинган, ҳарбий хизматга мажбур, Ангрен шаҳар  
5/3-даха, 4-уй, 16-хонадонда яшайди, иш бўйича 2023 йил  
14 апрелда ушланиб, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар  
судининг 14.04.2023 йилдаги ажримига кўра “Қамоққа олиш”  
эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини  
30.04.2023 йилда олган.

Ҳужжат имзоланган: Эсанбаев Баҳром Бахтиярович, 30.08.2023



Суд хайъати, суд мажлисида судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, мазкур жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx, 2022 йил сентябрь ойдан ҳозирги кунга қадар бўлган вақт оралиғида, илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этиб, жазо ўтаб, судланган ҳолати тугамаган бўлишига қарамадан, қасддан, гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаб келаётган вақти, 2023 йил 02 апрель куни соат тахминан 22:40ларда, Ангрен шаҳар ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотга асосан, Ангрен шаҳар, “Кимёгар” м.ф.й ҳудудида жойлашган, “Мархамат” чойхонасининг чап томонидаги қоровулхона текширилган вақти, ИИБ ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида шахсий тинтув қилинганда, келгусида сотиш мақсадида унинг эғнидаги тўқ кўк рангли жинси шимининг чап томон ён чўнтагидан “ФЭСКО” номли гугурт қутиси ичига солинган ва келгусида сотиш учун мўлжалланган, 5 дона полимер пакетга алоҳида-алоҳида ўралган ва 1 дона ўралмаган ҳолатдаги, қорамтир рангли, ўткир ҳидли, “гашиш” гиёҳвандлик моддаси ҳамда хонадаги диван остига Ф.Ж.Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx томонидан ташлаб юборилган бир дона полимер пакетга солинган қорамтир рангли, ўткир ҳидли, “гашиш” гиёҳвандлик моддаси ҳамда хонадаги стол устида гиёҳвандлик моддасини миқдорини ўлчаш мақсадида сақлаб келинаётган бир дона электрон тарози ҳамда икки дона елим идишлар борлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент вилояти ИИББ ЭКБнинг 2023 йил 04 апрель кундаги 380-сонли экспертиза хулосасига кўра, фуқаро Ф.Ж.Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxдан олинган рангсиз полимер пакет ичидаги бир дона қора рангли электрон тарозида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол юқлари мавжудлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент вилояти ИИББ ЭКБнинг 2023 йил 04 апрель кундаги 381-сонли экспертиза хулосасига кўра фуқаро Ф.Ж.Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxдан олинган рангсиз полимер пакет ичидаги 6 (олти) дона моддалар, нам, ширали, ёпишқоқ, пресланган чўзинчоқ шаклдаги моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу моддалар “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси эканлиги, гашишнинг соф оғирлиги 2,19 (икки бутун юздан ўн тўққиз) граммлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент вилояти ИИББ ЭКБнинг 2023 йил 04 апрель кундаги 382-сонли экспертиза хулосасига кўра фуқаро Ф.Ж.Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxдан олинган рангсиз полимер пакет ичидаги, рангсиз ўрамдаги модда нам, ширали, ёпишқоқ, пресланган думалоқ шаклдаги модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу



моддалар “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси эканлиги, гашишнинг соф оғирлиги 9,16 (тўққиз бутун юздан ўн олти) граммлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент вилояти ИИББ ЭКБнинг 2023 йил 04 апрель кундаги 382-сонли экспертиза хулосасига кўра фуқаро Ф.Ж.Ххххххххххххххххдан олинган оқ рангли полимер пакет ичидаги, 2 (икки) дона елим баклашкаларда фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол юқлари мавжудлиги аниқланган.

Бундан ташқари Хххххххххххххххххххх, шу куни соат 23 ларда Ангрен шаҳар ИИБ ТҚХ ЖҚБ 40–сонли хизмат хонасига олиб келинган ва О.Ибрагимов томонидан Ххххххххххххххххххххдан тезкор тадбирда аниқланган ҳолат бўйича тушунтириш хати олиш бошланган. Ушбу жараёнда Хххххххххххххххххххх О.Ибрагимовнинг мансабдор шахс эканлигини, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни унинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги, яъни юқоридаги ҳолат бўйича унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар юзасидан умуман чора кўрмаслик ёки айбини енгиллаштириш учун тезкор тадбирда олинган гиёҳвандлик воситаси миқдорини “камайтириш” эвазига, қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита О.Ибрагимовга 2000 АҚШ доллари пора бермоқчи эканлигини билдирган.

Ўз навбатида, О.Ибрагимов 03.04.2023 йилда вилоят ИИБ ШХББ Тошкент вилояти бўйича бошқармасига 312-сонли билдирги билан мурожаат қилиб, фуқаро Хххххххххххххххххххх унга пора бермоқчи эканлигини маълум қилган ва қонуний чора кўришни сўраган.

Билдиргига асосан, ўтказилган тезкор тадбирда, 03.04.2023 йил соат 16-00 ларда Хххххххххххххххххххх Ангрен шаҳар ИИБ маъмурий биноси 40-хизмат хонасида Ангрен шаҳар ИИБ ТҚХ ЖҚБ тезкор вакили капитан О.Ибрагимовга 1900 АҚШ доллари ва 500 минг сўм пора берган пайти, ашёвий далиллар билан ушланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Хххххххххххххххххххх айбига қисман иқрор бўлиб қуйидагиларни, яъни 2022 йил тахминан сентябрь ойи бошларида Ангрен шаҳар, Дукентсой бўйида ўсиб ётган ёввойи наша ўсимлиги ўсиб ётганлигини кўрганлигини, сўнгра ўшани юлиб олиб, уйига олиб борганлигини ва уни қуритиб, майдалаб ундан ўзини истеъмол учун гашиш ясаганлигини, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишининг сабаби ёши қариллиги ва тез-тез касал бўлгани учун касалликларини даволайди деб ўйлаганлигини, ушбу гиёҳвандлик моддаси 02.04.2023 йилга қадар уйда ва турли жойларда сақлаб кам-кам истеъмол қилиб туришини, ўзи истеъмол қилгани учун ушбу наша гиёҳвандлик моддаси бўлақларга бўлиб, политилеи пакетга ўраб, гугурт қутисига солиб ёнида олиб юришини, бундан оила аъзоларини хабари йўқлигини ва улар кўрмаганлигини, 2023 йил 02 апрель куни соат тахминан 21:00ларда Ангрен шаҳар, “Кимёгар” м.ф.й, “Мархамат” чойхонаси ёнидаги қоровулхонада қоровул бўлиб ишловчи таниши Дусанбеков Абдурашитнинг ёнига у билан бир оз гаплашиб ўтириш мақсадида Хамракулов Ойатилло билан бирга борганлигини, қоровулхонада ўтирган вақтида соат тахминан 22:00ларда



ИИБ ҳодимлари кириб келишганлигини ва унга ўзларини таништиришганлигини, у уларни кўриб ўнг ён чўнтагида бўлган оқ рангли рангсиз политилен пакетга ўралган гашиш гиёҳвандлик моддасини ўша ердаги крават тагига кўрққанидан ташлаб юборганлигини, лекин ўнг чўнтагидаги гугурт қутиси ичида бўлган политилен пакетга ўралган гашиш гиёҳвандлик моддаси қолганлигини, уни ташлаб юборишга улгурмаганлигини, сўнгра ИИБ ҳодимлари уни хаяжонланиб кетиб, кўрққанидан шубҳаланиб крават тагига ташлаб юборган политилен пакетга ўралган гашиш гиёҳвандлик моддасини икки нафар ҳолислар иштирокида олиб кўришганлигини ва ундан нималигини сўрашганлигини, бундан олдин улар хонада бўлган О.Хамроқулов ва А.Дусанбековни ҳолис сифатида иштирок этишларини сўраб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушинтиришганлигини, улар рози бўлганлигини, шундан сўнг, у уларга политилен пакетга ўралган модда гашиш гиёҳвандлик моддаси эканлигини айтганлигини, сўнгра улар хонани кўздан кечиришиб, уни ҳам чўнтақларини кўздан кечиришганлигини ва чап ён чўнтагидан гугурт қутисига солинган ва алоҳида-алоҳида қилиб ўралган 5 дона политилен пакетга ўралган гашиш гиёҳвандлик моддасини ва ўралмаган ҳолатдаги бир дона гашиш гиёҳвандлик моддасини аниқлашиб ҳолислар иштирокида олиб кўйишганлигини, ушбу хонада бир дона стол устида у томонидан ўзи билан бирга олиб борган электрон тарози ва икки дона ниша гиёҳвандлик моддасини чекиш учун мўлжалланган баклашка ҳам борлигини, у уларни ўзи билан бирга олиб борганлигини, ИИБ ҳодимлари томонидан ушбу ашёлар ҳам ҳолислар иштирокида олиб кўйилганлигини, у ушбу ҳолатда ИИБ ҳодимларига ушбу гиёҳвандлик моддаларини сотмаганлигини, ушбу гиёҳвандлик моддаларини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлигини айтганлигини, сўнгра ушбу моддаларни тарозида ўлчаб ўришганлигини, 1 дона политилен пакетга солинган гашиш гиёҳвандлик моддаси политилен пакетсиз 9.21 грамм, гугурт қутисига солинган политилен пакетларга ўралган ва бир дона ўралмаган гашиш гиёҳвандлик моддаси 2.27 граммни ташкил қилганлигини, сўнгра аниқланган моддаларни ИИБ ҳодимлари ҳолислар иштирокида политилен пакетга солиниб, имзоланиб, муҳрлашганлигини, шундан сўнг баённома расмийлаштиришиб, ушбу баённомани уларга ўқиб эшиттиришганлигини, у баённома билан танишиб чиқиб, имзо қўйиб тасдиқлаганлигини, у мазкур гиёҳвандлик моддаларини тахминан 2022 йил сентябрь ойининг бошларида Ангрен шаҳар Дукентсой сой бўйида ўсиб ётган ёввойи наша ўсимлигини олиб келиб ўзи тайёрлаганлигини, тайёрлашни эса интернет ижтимоий тармоғида кўриб ўрганганлигини, лекин ҳозирда ёввойи наша ўсимлигини сой бўйининг айнан қаеридан олганини эслолмаслигини ва кўрсатиб беролмаслигини, у ушбу ўзи тайёрлаган гашиш гиёҳвандлик моддасини олди-сотди қилмаганлигини ва ҳеч кимга бермаганлигини, фақат бир ўзи яширинча истеъмол қилишини, бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмаганлигини, унинг ёнида аниқланган гашиш гиёҳвандлик моддаси тахминан 5 ой вақтга истеъмоли учун етишини ва тахминан 6 ойдан бериб истеъмол қилиб келишини, у бир ўзи истеъмол қилганлигини ва бу ҳақида хатто оила аъзолари ҳам билмаслигини, ҳеч кимга сотмаганлигини ва ҳеч ким



билан бирга истеъмол қилмаганлигини, бундан ташқари 2023 йил 02 апрель куни соат 22-30 ларда Ангрен шаҳар Оҳангарон кўчасида жойлашган янги қурилаётган бино қоровулхонасида ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, унинг ёнида гиёвандлик воситаси топилганлигини, шу сабабли “Отабек” (кейинчалик унинг О.Ибрагимов эканлигини билган) исмли ходим уни Ангрен шаҳар ИИБ ЖҚБга олиб келганлигини ва ундан тушунтириш хати олишни бошлаганлигини, ўша пайти у ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар бўйича чора кўрмаслик ёки ишини енгиллаштиришга О.Ибрагимовнинг ваколати борлигини тушунганлигини, кейин ундан ёрдам қилишни сўраб, бир неча марта илтимос қилганлигини, О.Ибрагимовдан ижобий жавоб бўлмаганидан сўнг, агар унга жинойий жавогарликдан қутулиб қолишига ёки унинг ёнидан топилган гиёвандлик воситаси миқдорини йўлини қилиб, камайтириб берса 2 минг АҚШ доллари беришни маълум қилганлигини, шунда О.Ибрагимов унга пора бериш жиноят эканлигини, унинг таклифи ноқонунийлигини бир неча марта таъкидлаганлигини, шунга қарамасдан, у О.Ибрагимовга 2023 йил 03 апрель куни соат 15-00 гача 2 минг АҚШ доллари олиб келишни айтиб, сўнг ИИБ биносидан чиқиб кетганлигини, 2023 йил 03 апрель куни соат 15-00 ларда ўзи билан бирга 1900 АҚШ доллари ва 500 минг сўм нақд пулларни олиб, ИИБ ЖҚБ ходими О.Ибрагимовни телефон рақамига қўнғироқ қилиб, унинг олдига борганлигини, О.Ибрагимовнинг хизмат хонасига кириб, унга 1.900 АҚШ доллари ва 500 минг сўм олиб келганини айтганлигини, кейин О.Ибрагимов ундан ўзи билан олиб келган пулларни санагини айтганлигини, кейин у 100 АҚШ долларлик купюралардаги жами 1.900 АҚШ доллари, 50 минг сўмлик купюрадаги жами 500 минг сўм пулларни санаб бўлганидан сўнг, О.Ибрагимов китобни очиб пулларни ичига қўйишини сўраганлигини, у китобни ичига пулларни қўйганлигини, шу вақт хизмат хонасига фуқаролик кийимидаги шахслар кириб келиб, улардан бири ўзини хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, Ангрен шаҳар прокуратураси терговчиси деб таништирганлигини, сўнг икки нафар холисларни таништириб, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўқиб эшиттириб, прокуратура ходими ундан ўзини таништиришни сўраганлигини, у ўзини таништиргач, О.Ибрагимовга пулларни нима мақсадда берганлигини сўраганлигини, бироқ Хxxxxxxxxxxxxxxxxx ушбу ҳолатда кўрқиб кетганидан жавоб бермаганлигини, сўнг прокуратура ходими ҳолат юзасидан ҳужжатларни расмийлаштирганлигини, Ангрен шаҳар ИИБ ЖҚБ ходими О.Ибрагимовга 1900 АҚШ доллари ва 500 минг сўм нақд пулларни ўзига нисбатан гиёвандлик моддаси бўйича тўпланган ҳужжатларни расмийлаштирмаслик ва қонуний чора кўрмаслик, жинойий жазодан қутулиб қолиш мақсадида берганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймондалигини кўрсатиб, суддан уни ёшени, оилавий шароитини, соғлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ Ибрагимов Отабек Фахриддинович қуйидагиларни, хизмат вазифаларидан бири гиёвандликка қарши курашиш эканлигини, тезкор маълумотга асосан, 02.04.2023 йил соат 20-40 ларда Ангрен шаҳар ИИБ ЖҚБ ва Миллий гвардия кўриқлаш бўлими ходимлари билан биргаликда Анрен шаҳар





моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради” - деб кўрсатилган. Қонун талаби мазмунига кўра, мазкур жиноятнинг объектив томони гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласида ифодаланadi. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи деганда, устидан халқаро ҳуқуқий ва ички давлат назорати ўрнатилган ва аҳоли соғлиғига зарар етказишга йўналтирилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан амалга оширилган ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмишлар мажмуи тушунилади. Бундай қилмишларга гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш киради. Ўтказиш мақсадини кўзлаш мазкур жиноятнинг асосий белгиси ҳисобланади ва унинг ўтказиш мақсади исботланмаганлиги унинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддасига қайта квалификация қилишни талаб қилади. Суд мажлисида аниқланган ҳолатга кўра тадбир давомида Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxни ўтказиш мақсади бўлганлиги ўз тасдиғини топмади. Балки, у «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганлиги, шунингдек судланувчи ушбу моддани чекиш йўли билан истеъмол қилиб сақланганлиги, суд тергов вақтида судланувчини ва гувоҳларни кўрсатувлари билан аниқланди, шунингдек судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxни гиёҳванд эканлиги ва гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга мухтожлиги экспертиза хулосасининг 17.04.2023 йилдаги №307-сонли хулосаси (и.в. 63) билан тасдиқланган. Бундай ҳолда шубҳа ва тахминларга асосланиб Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxнинг жиноий қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан малакалаб бўлмайди.

Дастлабки тергов органи гиёҳвандлик воситаси унинг истеъмолидан ортиқча миқдорда топилгани ва маълум ўлчамда қадоқланганини инобатга олса-да, бироқ гиёҳвандлик касалига чалингани ҳақидаги экспертиза хулосасини, ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилмаганлиги, тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжуд эмаслигини ҳамда у бу гиёҳвандлик воситаларини қай тарзда кимга сотишга суиқасд қилганини асослантirmасдан хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида “айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак” эканлиги ҳақида тушунтириш берилган. Ушбу кодекснинг 463-моддаси 1-қисмида “Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган



тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим” - деб кўрсатилган. Шу сабабли суд хайъати, судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxнинг ёнида ўтказиш мақсадини кўзламай кўп миқдордаги «гашиш» гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда сақлаб келганликдаги жинойий қилмишини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

25,273-моддаси 5-қисмидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а,б» бандларига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Шунингдек дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxнинг жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

211-моддаси 2-қисми “а” банди билан малакалаб, барвақт ҳулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 2-қисмида “Илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади” – деб кўрсатилган бўлиб, Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx илгари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210, 211, 212-моддалари билан судланмаган. Шу сабабли Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxнинг жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

211-моддаси 2-қисми “а” бандидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 1-қисмига қайта малакалашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга энгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик



даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 11-бандида, суд биринчи марта жиноят содир этган шахсга қонун санкцияси доирасида енгилроқ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги; тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсига мутаносиблиги синчиклаб текширилиши лозимлиги, суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарар миқдори, айбланувчининг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айблов ҳажми, айб шакли ҳақидаги хулосалари нотўғри деб топилган ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, апелляция ва кассация инстанцияси суди ўз қарорини асослантирган ҳолда маҳкумга нисбатан тайинланган жазони енгиллаштириш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxxxга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, унинг айбига иқдорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, шахсини, оилавий шароитини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларини инобатга олиб, унга у айбланаётган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 463, 465-468, 473-моддаларига асосан суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Хxxxxxxxxxxxxxxxxx Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хxxxxxxxxxxxxxxxxxга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2023 йил 14 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Унга нисбатан қўлланилган «Қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси аслича, ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxга озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо муддатини ўташ вақтида гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чораларини белгилансин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг:

- судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxx томонидан гаров учун Тошкент вилоят прокуратурасининг АТБ “Агробанк” Ўртачирчиқ филиалининг ИНН 200794241, МФО 00475, 20203000300132947001 бўлган депозит ҳисоб рақамига тўланган 6.000.000 (олти миллион) сўм пул маблағлари Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxxнинг қизи Хxxxxxxxxxxxxxxxxxxx Сурайё Фарход қизига қайтарилсин

- ашёвий далил деб эътироф этилган “Ипотека банк” АТИБ Ангрен шаҳар филиалида сақланаётган 1900 АҚШ доллари ва 500.000 сўм пул маблағлари давлат фойдасига мусодара қилинсин;

- ашёвий далил деб эътироф этилган ва ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТ ва ХТ бошқармасига вақтинча сақлаш учун топширилган 9,76 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма суткалик муддат ичида, маҳкум эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи: имзо Б.Эсанбаев

Халқ маслаҳатчилари: имзо Н.Эгамбердиева

имзо С.Ахмедов

Аслига тўғри:

